

ABBREVIATURES IN THE FORMATION OF INTERNET AND COMPUTER TERMS

Dilfuzaxon Saidkodiurovna Saidkodiurova
senior teacher, UzSWLU

Abstract: The development of new technologies in the world and the rapid growth of the informatization process create the need for a wide range of information exchange between professionals who communicate in different languages. The development of terminology undoubtedly reflects the development of this or that field of knowledge. New terms appear on the basis of the basic dictionary fund and on the basis of the dictionary structure of the common language.

Keywords: internet terms, computer terms, abbreviations, informatization

Кириш. Жаҳонда янги технологиялар кун сайин ривожланиб, ахборотлаштириш жараёни тез суръатлар билан ўсиб бораётганлиги турли тилларда мулоқотга киришувчи мутахассислар ўртасида кенг миқёсда маълумот алмашилиши эҳтиёжини юзага келтиради. Терминологиянинг ривожланиши, шубҳасиз, билимларнинг у ёки бу соҳа тараққиётини акс эттиради. Янги терминлар асосий луғат фонди асосида ва умумхалқ тилининг луғат таркиби асосида пайдо бўлади.

Асосий қисм. Инглиз ва ўзбек тилларидан тўпланган материаллар таҳлилидан интернет терминлари орасида айнан қисқартма шаклдаги терминларнинг ўта фаол эканлиги аниқланди. Глобал тармоқнинг афзалликлари ва устунликлари сирасига қўйиладиган энг биринчи талаб жадаллик, интенсивлик экан, бу ҳолатнинг акси бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Сўз бирикмалари шаклидаги интернет терминларининг қисқартирилиб ишлатилиши фойдаланувчилар учун қулайлик туғдирса, мазкур номнинг электрон кодда кам ўринни эгаллаши ҳам ахборотни сиқиш, унинг янада кўпроқ ҳажмда жойлашилиши учун имкон яратади. Қисқартма шаклдаги интернет терминлари бошқа соҳага қараганда қисқа муддатда фаоллашилиши, оддий сўзлар сингари фаол мавқега эга бўлиши кузатилади. Инглиз ва ўзбек тилларида *internet* – *интернет*, *wi-fi* – *вай-фай* каби аббревиатуралар ҳам шулар жумласидандир.

«Тилшуносликда аббревиацияга ёндош бўлган бошқа лингвистик ҳодисалар ҳам мавжуд. Синкопа, апокопа, аферизис, эллипсис каби тил универсалиялари

шулар жумласидандир. Аббревиациянинг назарий масалалари тилшуносликда етарлича чуқур ёритилмагани сабабли баъзида унинг объекти бўлмаган бирликларга ҳам қисқартмалар деб қаралади». Яъни инглиз тилида аслида қисқартма шаклига эга бўлган интернет терминлари ўзбек тилига баъзида калкаланиш усулида ўтган бўлса, баъзида айнан ўзлашган бўлиб, уларнинг қисқартма эканлиги ҳам сезилмайди.

Маълумки, тилда икки ва ундан ортиқ компонентдан ташкил топган, номинатив функцияни бажаришга хосланган лексик бирликлар қисқартирилади ва улар аксарият ҳолатларда от сўз туркуми доирасида амалга оширилади. Инглиз тилшунослигида сўз ясалишининг иерархик босқичларидаги сўнгги тури тарзида аббревиация ва акронимлар эътироф этилган бўлиб, бу тил терминологик лексикасида ўзбек тилига нисбатан аббревиатуралар ва акронимлардан фойдаланиш анча кенг тарқалганлиги кузатилади. Бинобарин, илмий-техник терминология масалалари тадқиқи билан бевосита шуғулланган Д.С.Лотте ҳам мазкур лексик қатламдаги терминларнинг қисқартирилиши хусусида фикр юритар экан, терминнинг аниқлиги, қисқалиги ва лўндалигини унга қўйиладиган талаблардан бири сифатида таъкидлайди.

Инглиз тилшунослигида аббревиация ва акронимларни сўз яшаш усули сифатида қабул қилиш ёндашуви кенг тарқалган бўлсада, ўзбек тилшунослигида бу борада ўзгача нуқтаи назар мавжуд. Хусусан, академик А.Ҳожиёвнинг ёзишича: «Аббревиация йўли билан ҳосил қилинган қисқартмалар (аббревиатуралар) сўз бирикмасининг қисқартирилган шаклидир. Қисқартманинг компонентлари эса ҳолига (сўз ҳолига) келтирилса, улар (қисқартмалар) яна сўз бирикмасига айланади. Демак, аббревиация йўли билан сўз (лексема) ҳосил бўлмайди. Сўз ҳосил бўлмас экан, бу усулни сўз яшаш усули, дейиш ҳам мумкин эмас».

Инглиз ва ўзбек тилларидаги интернет ва компьютер терминлари орасида қисқартма терминларнинг кўп миқдорда учраши, бир томондан, жамият, фан ва техниканинг ривожланиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, тадқиқ қилинаётган тиллардаги интернет терминларининг номинатив деривацион хусусиятларидан бири ҳисобланмиш актив термин элементлар сифатида уларнинг қисқартма сўзлар кўринишида қўллаш анъанавий тус олганлиги билан изоҳланади. Чунки сўз бирикмалари негизида юзага келадиган қисқартма терминлар ҳам уларни ҳосил қилган бирикмалардаги айнан ўша маълумотни ифодалашга мўлжалланган бўлади. Шу билан бирга, бундай сўзларнинг пайдо бўлиши ва кенг оммаланиши интернет билан боғлиқ махсус тушунчаларни ифодалашда лисоний воситаларни тежашга бўлган мойиллик билан белгиланади.

Инглиз ва ўзбек тиллари интернет ва компьютер терминологиясининг муҳим салмоғини ташкил этган аббревиатуралар асосан сўз бирикмалари

компонентларининг бош қисмлари асосида вужудга келган қисқартмалар бўлиб, улар бир нечта гуруҳларга ажралади: а) сўзнинг бир қисмини тушириб қолдириш усулида амалга ошириладиган қисқартмалар; б) сўз бирикмаси компонентларининг бош ҳарфлари асосидаги аббревиатуралар; в) аралаш турдаги аббревиатуралар.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги интернет ва компьютер терминларининг аббревиатуралари энг катта миқдори бирикма-терминларнинг бош ҳарфларидан тузилиши аниқланди.

Инглиз тилшунослигида аббревиатураларнинг умумий кўринишидан ташқари яна икки тури тилга олинади: **акронимлар (acronyms)** ва **инициалаббревиатуралар (initialisms)**. Аббревиатураларнинг бир тури ҳисобланган акронимлар қисқартмалар таркибидаги бош ҳарфлар йиғиндисидан бўлиб, мустақил лексема каби талаффуз қилиниши билан ажралиб туради.

Инглиз тилидаги (initial) инициал аббревиатуралар (лотинча «initio» – биринчи, илк сўздан) таркибли қўшма отларнинг биринчи ҳарфларидан тузилади ва қисқартмаларнинг ҳар бири компоненти алоҳида ҳарф тарзида талаффуз қилинади. Инициал турда ҳосил қилинган қисқартма сўзларнинг одатда махсус илмий-техникавий терминларда айниқса кўп ишлатилиши эътироф этилади. Солиштирилаётган тиллардаги бош ҳарфлар йиғиндисидан ташкил топган интернет терминлари инициал аббревиатураларининг ҳар бир ҳарфи алоҳида талаффуз қилинади. Бу ҳолат уларнинг акроним эмас, балки инициал аббревиатура шаклида эканлигини кўрсатади. Чунки инглиз тилидаги ҳар бир ҳарфнинг номи мавжуд бўлиб, инициал интернет терминлари талаффузида ҳарфларнинг номлари айтилиши қабул қилинган. Ўзбек тилига ҳам ўзлашган ва оммалашган қисқартма интернет терминлари айнан ўша шаклда талаффуз қилинади. Масалан, инглиз тилидаги *GPS – General Positioning System; HTTP – Hyper Text Transfer Protocol; HTML – Handheld Devices Markup Language; HDSL – High-bit-rate Digital Subscriber Line* каби кўплаб терминлар ўзбек тили учун интернационал инициаллар ҳисобланади.

Интернет ва компьютер терминлари орасида реверсив қисқартмалар ҳам учраши кузатилади. Реверсив қисқартмалар аббревиация усулининг энг ёш тури бўлиб, илк бор инглиз тили доирасида пайдо бўлган ва ишлатила бошланган. Бу қисқартма тури номи инглиз тилидаги «to reverse» сўздан олинган бўлиб, «ортга қайтиш, қайтариш» маъносини англатади, ҳосил қилиниши жиҳатидан оддий акроним ясалиши жараёнининг акси дея изоҳланади.

Реверсив қисқартмалар таркибий қўшма сўзларнинг маълум бир қисмлари – гоҳ бир бўғини, гоҳ фақат бош ҳарфлари ва маълум қисқартмаларда аралаш тарзда ҳосил қилинади ва **янги сўз** каби ўқиладиган бирикма ҳосил қилади. Бу янги ясалган сўз унга асос бўлган қўшма сўзлар англатган маънога яқин

бўлади, унинг мақсадини очиб беради ёки умумлаштиради, шу билан бирга, реверсив қисқартмаларни шакллантиришда аввалдан маълум бошқа бир сўзга, қолипга шаклан мос келишига эришилади. Масалан, netizen сўзи internet – интернет ва citizen – инсон, фуқаро сўзларидан ясалган бўлиб, интернет одами, фуқароси деган маънони англатади. wardrobe қисқартмаси word – сўз ва wardrobe – гардероб, кийим шкафи сўзларидан ҳосил қилинган бўлиб, “сўз заҳираси” тушунчасини ташийд.

Хулоса. Интернетнинг келиб чиқиши ва ривожланиши бевосита инглиз тили билан боғлиқ бўлганлиги сабабли бу соҳа терминларининг инглиз тилида яратилаётгани бежиз эмас. Лисоний тежамкорликка эришиш мақсадида янги яратилган маҳсулот ёки дастурий хизматни ифодалаш учун ишлаб чиқилган янги терминларни умумий аббревиатура ва инициал аббревиатура сифатида қўллаш инглиз тилида кенг тарқалганлиги аввал ҳам қайд этилди. Ушбу маҳсулот ёки хизматларнинг бутун дунё бўйича ёйилиши натижасида уни англатувчи қисқартманинг айнан тилда қўлланила бошланишига сабаб бўлади. Фаол лексика қаторидан муносиб ўрин эгаллаган янги қисқартма атамаларнинг аслида таркибан бир нечта компонентдан ташкил топганлиги ҳаттоки сўзлашувчилар учун ҳам янгилик бўлади.